

УЗУМ НАВЛАРИНИНГ УЗУМБОШИ ВА ҒУЖУМИНИНГ МЕХАНИК ТАРКИБИ ТАҲЛИЛИ

Джонибекова Нафосат Эргаш қизи

ISFT институти ўқитувчиси

Кириш

Узумчилик – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, хўраки, қишмиш ва шароббоп навлари МДХ ва хорижда ҳам машхурдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда тоқзор майдони 128,2 минг гектар бўлиб, ялпи узум ишлаб чиқариш 1606,9 минг тонна ташкил қилади. Дунё бўйича хўраки ва техник тоқзорлар майдони – 7,4 млн. га бўлиб, жумладан: Испания – 961, Франция – 961, Хитой – 785, Италия – 719, Туркия – 431 ва АҚШ – 405 минг гектар ҳисобланади. 2021-2022 йилларда 25,6 млн. тонн хўраки узум ишлаб чиқарилиб, етакчи давлатлар сифатида Хитой (11,2 млн. т.), Ҳиндистон (2,9 млн. т), Туркия (1,9 млн. т), Европа давлатлари (1,41 млн. т) ҳамда АҚШ (905,3 минг т.), Перу (700,2 минг т) ва Чили (810 минг т) ҳисобланади¹. Бугунги кунда узумчилик борасида тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Жаҳонда узумдан юқори ҳосил олиш, *in vitro* усуллари қўллаш орқали дунё андозалари даражасидаги сермахсул, витаминбоп, товарбоп, юқори самарадор янги узум навлари яратиш бўйича қатор изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тоқзорларни кўпайтириб, узумнинг янги навларини яратиш, юқори ҳосилдорлик, витаминбопликка ҳамда экологик тоза маҳсулот етиштиришга эришиш жуда муҳим.

Тадқиқот натижалари

Узум шаклларида уруғлар таҳлилига кўра, энг йирик уруғлар 4-36-35 (Мускат Ўзбекистанский × Қишмиш Зарафшан) ва 4-29-8 (Победа × Шакарак) шаклларида аниқланди (жадвалга қаранг). Ушбу шаклларда 100 дона уруғнинг оғирлиги мос равишда 4,8 ва 5,0 г бўлди. Узум шаклларида 100 дона ғужумнинг вазни 4-36-35 (Мускат Ўзбекистанский × Қишмиш Зарафшан) ва 4-24-43 (Сурхак китабский × Қишмиш черный) шаклларида энг юқори кўрсаткичларда – мос равишда 299 ва 270 г бўлди. Энг майда ғужумлар – 156-184 г 4-38-37 (Ахмади × Қишмиш белый крупногородный), 4-45-12 (Мускат Ўзбекистанский × Қишмиш Зарафшан), 4-29-8 (Победа × Шакарак) шаклларида қайд этилди. 100 дона ғужумининг оғирлиги бўйича қолган шакллар юқорида таъкидланган шакллар ўртасида оралик ўрин эгаллади ва уларнинг ушбу кўрсаткичи 194-249 г атрофида ўзгарди.

¹ FAOSTAT Statistics Database. FAO, Rome, Italy. <http://www.fao.org>.

Узум шакллариини ғужумининг бандидан узилиши учун сарфланадиган оғирлик бирлигини таҳлил қилиш қуйидаги маълумотларни олиш имконини берди. Бунда ғужумининг бандидан узилиши учун сарфланадиган энг кўп оғирлик бирлиги 4-27-26 (Сурхак китабский × Кишмиш черный), ва 4-14-1 (Нимранг × Кишмиш Согдиана) шаклларида қайд этилди.

Жадвал Узум шакллар ғужумининг механик таркиби (2020-2022 йй.)

Шаклларнинг рақами	100 дона уруғ вазни, г	100 дона ғужум вазни, г	Механик хусусияти, г	
			узилиш кучи	эзилиш кучи
4-38-37	4,0	184	411	900
4-45-12	3,8	178	334	1123
4-44-41	4,2	211	499	956
4-36-35	4,8	299	474	1732
4-27-11	4,2	227	321	1092
4-29-8	5,0	178	393	1143
4-23-6	2,8	156	312	1265
4-24-43	3,7	270	433	1088
4-27-26	4,1	235	585	1507
4-14-1	4,4	194	538	1056
ЭКФ ₀₅	0,2	3,7	-	-
Sx	0,03	0,60	-	-

Ушбу шаклларнинг ғужумини бандидан узиш учун мос ҳолда 585, 525 ва 538 г оғирлик кучи талаб этилди. Узум ғужумини бандидан узиш учун энг кичик оғирлик бирлиги 4-45-12 (Мускат Узбекистанский × Кишмиш Зарафшан), 4-27-11 (Сурхак китабский × Кишмиш черный) шаклларида сарфланди. Ушбу шаклларда ғужумини бандидан узиш учун мос равишда 334, 321 ва 312 г оғирлик бирлиги керак бўлди. Ушбу технологик кўрсаткич бўйича қолган шакллар оралиқ ўрин эгаллади ва уларда ғужумини бандидан узилиши учун сарфланадиган оғирлик бирлиги шакллар бўйича мос равишда 393-499 г атрофида ўзгарди.

Ғужумининг эзилиши учун сарфланадиган оғирлик кучи бўйича ушбу экологик-географик гуруҳ шакллари ҳам ўзаро фарқланди. Бунда узум ғужумининг эзилиши учун сарфланадиган энг юқори оғирлик бирлиги 4-36-35 (Мускат Узбекистанский × Кишмиш Зарафшан) ва 4-27-26 (Сурхак китабский × Кишмиш черный) шаклларида қайд этилди. Ушбу шаклларнинг ғужумини эзилиши учун мос равишда 1732 ва 1507 г оғирлик кучи талаб этилди. Ғужумининг эзилиши учун сарфланадиган энг кичик оғирлик бирлиги 4-38-37 (Ахмади × Кишмиш белый крупноягодный) ва 4-44-41 (Мускат Узбекистанский

× Кишмиш Зарафшан) шаклларида қайд этилди. Ушбу шаклларда ғужумининг эзилиши учун сарфланган оғирлик бирлиги мос равишда 900 ва 956 г ни ташкил этди. Ушбу технологик кўрсаткич бўйича қолган шакллар юқоридаги шакллар ўртасида оралик ўрин эгаллади ва уларнинг ғужумини эзилиши учун сарфланган оғирлик бирлиги шакллар бўйича мос равишда 1056-1451 г оралиғида ўзгарди.

Хулосалар

Узум ғужумининг эзилиши учун сарфланадиган энг юқори оғирлик бирлиги 4-36-35 (Мускат Узбекистанский × Кишмиш Зарафшан) ва 4-27-26 (Сурхак китабский × Кишмиш черный) шаклларида, ғужумининг эзилиши учун сарфланадиган энг кичик оғирлик бирлиги 4-38-37 (Ахмади × Кишмиш белый крупноягодный) ва 4-44-41 (Мускат Узбекистанский × Кишмиш Зарафшан) шаклларида қайд этилди.